# Рамазон – меҳр-саховат ойи! ИФТОРЛИК ТАДБИРЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Бугун “Марғилон таомлари” мажмуасида навбатдаги ифторлик дастурхони ёзилди.

Шаҳримиздаги “Ипак йўли”, “Қиргули”, “Нурафшон” ҳамда "Надирмат" маҳаллаларида яшовчи “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган 500 нафардан зиёд кам таъминланган, эҳтиёжманд, ногиронлиги бор бўлган фуқаролар жам бўлган ушбу хайрия тадбири шаҳар ҳокимлиги ва “Маҳалла” хайрия жамоат фонди шаҳар бўлинмаси томонидан ўтказилди.

Ифторлик тадбири якунида нуронийлар юртимизга тинчлик, оилаларимизга тотувлик, рўзғоримизга қут-барака тилаб дуога қўл очишди.

Бу каби ифторликлар шаҳардаги ҳар бир маҳаллаларда давом этмоқда.

2023-04-11 20:43:00